



## ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ

**Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар бир фуқаронинг соғлигини асраб-авайлаш, уларни малакали тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олиш масалалари бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.**



## Инсон қадри саломатликдан бошланади

Мамлакатимизда ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси **Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кун** этиб белгиланган. Бу йил ушбу сана 13 ноярга тўғри келди.

Юртимиз тиббиётчиларининг асосий байрам тантаналари Самарқанд шаҳрида нишонланди.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган бир гуруҳ фидойи, кўп йиллик тажрибага эга ва истеъдодли ёш тиббиёт ходимлари, соҳа фахрийлари дастлаб Самарқанд шаҳридаги муқаддас қадамжо ва тарихий обидаларни зиёрат қилди. Қадимий кентда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Байрам тантанаси янгидан реконструкция қилинган Самарқанд вилоят муҳикали драма театрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига байрам табригини Президент маслаҳатчиси О.Абдураҳмонов ўқиб эшиттирди.

Президентимизнинг 2022 йил 11 ноябрда қабул қилинган фармонида кўра, тиббиёт ходимлари кунини муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Маросимда ушбу мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

- Бизнинг бўлимимиз тиббиёт соҳасидаги ислохотлар натижасида янгидан очилган бўлимлардан бири ҳисобланади, - дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг ангиохирургия ва трансплантация бўлими мудири, II даражали "Саломатлик" ордени соҳиби Шерали Норқўзиёв.

- Аини пайтда бу ерда шу вақтга қадар хорижда бажарилган мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Бу албатта, юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасига давлатимиз томонидан жуда катта эътибор натижаси. Ушбу жараёндаги хиз-

матимиз юксак баҳоланиб, давлат мукофоти билан тақдирланганидан ҳаяжондаман. Бу фақат менга эмас, бутун жамоамиз меҳнатига юксак баҳо деб биламан.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири Б.Мусаев ва давлат мукофоти билан тақдирланган тиббиёт ходимлари соҳада

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқот ўтказиши аънаванай тус олди. Йил давомида бир неча марта соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича Президентимиз расиблигида йиғилишлар ўтказилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бу ишлар албатта, ўз самарасини бериб, тиб-



амалга оширилаётган ислохотларнинг самаралари ҳақида ўз фикрларини билдирди.

\*\*\*

Вилоят ҳокимлигида тиббиёт ходимлари кунини муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида фидокорона хизмат қилаётган тиббиёт ходимларини касб байрами билан табриқлади.

- Бугунги кунда мамлакатимизда "Инсон қадри учун!" тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотларда халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - деди Э.Турдимов. - Бу масала Президентимизнинг доимий эътиборида эканлигини барчамиз кўриб турибмиз.

биёт муассасаларимиз моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Вилоятимизда ҳам бугунги кунда 270 та тиббиёт муассасасида 40 мингга яқин тиббиёт ходимлари халқимизга малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўзида вилоятимизда давлат дастурлари асосида 20 та оилавий шифокорлик пункти ва 5 та оилавий поликлиника очилди. Тиббий муассасаларда 300 га яқин янги даволаш ва диагностика усуллари жорий қилинди.

Давлат тиббиёт муассасалари билан бирга вилоятда хусусий тиббиёт муассасалари сони ўтган йилдагидан 50 тага кўпайиб, 660 тага етди.

Маросимда вилоятдаги тиббиёт муассасаларининг бир гуруҳи фаол ходимлари вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

## "Янги нафас"да янги номлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилган "Янги нафас" спорт мусобақалари Самарқандда ҳам юқори савияда ўтказилди.

"Буюк ипак йўли" халқаро туризм марказида "Бир Ватанда, бир вақтда, бир масофага, бир мақсадда - бирга югурамиз" шиори остида ўтказилган мусобақада етти мингдан ортиқ иштирокчи қатнашди.

Эрақлар ўртасидаги баҳсда мазкур марафоннинг ўтган йилги беллашувларида ҳам голибликни қўлга киритган Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти талабаси Намоз Бобомуродов муваффақият қозонди. Иккинчи ўринни Марказий харбий округ хизматчиси Илҳом Назаров эгаллаган бўлса, учинчи ўрин пастдаргомлик Комилжон Фозиловага насиб этди.

Қизлар баҳсида биринчи ва иккинчи ўринларни пастдаргомлик спортчилар Фарангиз Алимова ва Элноза Маҳ-

мараимова қўлга киритди. Учинчи ўринни Самарқанд давлат университети талабаси Дурдона Шамсиева эгаллади.

Мусобақада ногиронлиги бўлган фуқаролар ўртасида голибликни қўлга киритган иштирокчилар ҳамда турли номинациялар бўйича голиблар дипломи, медаль ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Қобилов иштирок этди.

А.ИСРОИЛОВ.



## "Яшил макон": тўрт миллионга яқин кўчат экилди



"Яшил макон" дастури доирасида вилоятимизда куз мавсумида 6,1 миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган. Мутахассислар кузда экилган ниҳол қиш мавсумида ерга тез мослашиши, илдининг кулай ўрнашуви туфайли баҳорга бориб, бир йил аввалги кўчатлар қаторига етиб олиши, тез ўсувчанлигини айтишади. Шу боис кузда экилган кўчатда сувсизликдан қуриб қолиш, томирларнинг шикастланиши каби муаммолар кам учрайди.

Долзарб қирқ кунлик эълон қилинган 20 октябрдан буён тўпланган тажриба ва кулай шaroитдан келиб чиқиб, вилоят микёсида 3 миллион 845 минг тупдан ортиқ каштан, лола дарахти, оққайин, эман, япон сафораси, тут, чинор, жийда, ёнғоқ, беҳи каби мевали ва манзарали кўчатлар, бута қаламчалари экилди.

Хозиргача Паст Даргом туманида 656, Пайариқда 543, Ургутда 487 мингдан ортиқ кўчат экилди.

Жумладан, кеча долзарб қирқ кунлик доирасида Самарқанд шаҳридаги Наврўз маҳалласи худудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадига аҳолига 1000 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари тарқатилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги масъуллари аҳоли билан учрашиб, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар ва бундан қўзғалган натижа ҳақида маълумот берди.

\*\*\*

Тадбир доирасида Самарқанд шаҳридаги олий спорт маҳорати институтида Спортни ривожлантириш вазири А.Икромов бошчилигидаги спорт соҳаси ходимлари, фахрийлар ва спортчилар мевали, манзарали дарахт кўчатлари экди.

Акция давомида Самарқанддаги 31 та таълим муассасасида 4 минг туп, республика бўйича 56 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди.



## Президент қарорига кўра



## КАДАСТР ХИЗМАТИ: МУАММО, ЕЧИМ ВА РЕЖАЛАР

Аччиқ, аммо очиқ бир гапни тан олишимиз керак, кейинги йилларда кадастр хизматига иши тушган инсоннинг ундан рози бўлиб гапирганини кам эшитдик. Кимнингдир ушбу кадастр қилинмаган, бошқасининг ҳужжатлари тўлиқ эмас - соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар кўрина бошлади. Ягона тизим, ечим йўқ эди.

Шу маънода Президентимизнинг жорий йил 20 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳада ислохотлар даврини бошлаш учун ҳуқуқий асос бўлди, дейиш мумкин. Ҳужжат билан агентликка катта ваколатлар берилди, унинг ташкилий базасини мустаҳкамлаш вазифалари белгиланди, энг асосийси, фаолиятига аралашиб, таъсир ўтказиш қатъий тақиқланди. Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси бошлиги Фозил Худойқулов билан суҳбатимиз мазкур қарорнинг аҳамияти, соҳада амалга оширилаётган янгилıklar ва улардан қутилаётган натижалар ҳақида бўлди.

- Фозил ака, мазкур қарор айрим-айрим тўғрига келтирилди. Масалан, агентликнинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини ташкил этиш яқкабошлик асосида унинг ўзи томонидан амалга оширилишига оид янги тартибни қандай тушуниш мумкин? Бунгача қандай эди?

(Давоми 2-саҳифада).

## Мукофотлар муборақ!

Ўзбекистон Республикаси Президентини "Тиббиёт ходимлари кунини муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида" фармон қабул қилди.

Мукофотланганлар орасида Самарқанддан қуйидагилар бор:

II даражали "Саломатлик" ордени билан Норқўзиёв Шерали Сафаралиевич - вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ангиохирургия ва трансплантация бўлими мудири


### "Дўстлик" ордени билан

Аллазов Феруз Ниязович - Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали патоморфология бўлими мудири

### "Шухрат" медаллари билан

Каримов Жўрабек Сунатуллоевич - вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази диагностика бўлими шифокор-сурдолог; Эгамназаров Шоқир Нормуротович - Пахтачи тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси; Тўймуродов Зафар Мардиевич - Қўшработ тумани санитария-эпидемиология оқойишлик ва жамоат саломатлиги бўлими санитария-гигиена лабораторияси шифокор-лаборант.

## Об-ҳаво



Бугун ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Тоғ олди ва тоғли худудларда сел-тошқин ходисалари кузатилиши мумкин. Айрим жойларда туман тушади, шамол тезлиги 17-22 метр сониягача кучаяди. Ҳарорат кечаси 5-10 даража, кундузи 9-14 даража илқ бўлади.

16 ноябрда айрим жойларда ёғим ёғади, баъзи туманларда қорга айланиши мумкин. Кечаси ва кундузи 2-7 даража илқ кузатилади.

17 ноябрда ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 2 даража совуқ, кундузи 8-13 даража илқ бўлади.

18-19 ноябрь кунлари айрим жойларда ёғим ёғади. Кечаси 0-5 даража, кундузи 8-13 даража илқ бўлади.

Самарқанд гидрометеорология бошқармаси.

# КАДАСТР ХИЗМАТИ: МУАММО, ЕЧИМ ВА РЕЖАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

- Президентимизнинг 2020 йил 7 сентябрдаги фармони асосан, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва Давлат кадастри давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига айлантирилди. 2021 йилдаги қарор билан эса Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқарма ва филиалларининг Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимларига бўйсунуви белгиланди.

Янги ҳужжатда мазкур тартиб янада аниқлаштирилиб, ҳуқуқий асосланган бўлди. Бу ўз навбатида ер ва кадастр назорати ҳамда аҳолига кадастр хизматини кўрсатиш билан боғлиқ ишларни ягона тизим орқали олиб бориш имконини беради.

**- Ҳужжатда Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлим ва филиалларининг фаолиятига ҳокимлар томонидан аралашши ёки таъсир ўтказиши ҳам қатъий тақиқланган. Кадастр идораларининг ҳудудий ҳокимликлардан холи фаолият юритиши нима беради?**

- Маълумки, Кадастр агентлиги ташкил этилгунга қадар тизимнинг қўйи бўғинидаги раҳбарлар ҳудуд ҳокимларининг тавсияси асосида лавозимга тайинланган ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Агентлик ташкил этилгач, Президентимизнинг 2021 йил 24 февралдаги қарори билан Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари Кадастр агентлиги директори тавсиясига биноан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланиб, озод этилган бўлди.

Яна бир масала. Олдин ҳар бир вилоят ва туманда ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқиш комиссиялари бўлган. Унга ҳокимлар бошлиқлигидаги давлат идоралари масъуллари киритилган. Эътиборлиси, бу комиссияларга вилоятда (собик) ер ресурслари давлат кадастри бошқармаси ёки туманларда унинг бўлимлари бошлиқлари котиблик қилган. Яъни, улар ер ажратиш тўғрисидаги қарор лойиҳаларини ўзи тайёрлаб, комиссияга тақдим этган. Бугунги кунда ушбу комиссия фаолияти батамом тугатилиб, ер ажратиш ишлари электрон тарзда, шаффоф механизм асосида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 8 июндаги фармони билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатлари оид бир қатор ваколатлари, хусусан, ер ажратиш ҳуқуқи бекор қилинди. Шунга қарамай, жойларда баъзи ҳокимлар томонидан Кадастр агентлигининг қўйи бўлимлари бошлиқларига ёки Давлат кадастрлари палатасининг филиаллари бошлиқларига эски тартиб асосида ер ажратиш бўйича буйруқ ёки кўрсатмалар берилаётгани гувоҳ бўляпти. Ачинчиси, бу қонунбузарлик учун буйруқни берган эмас, бажарган одам жавобдор бўляпти. Президентимиз ушбу ҳолатларни ҳам инобатга олиб, мазкур қарорда Кадастр агентлиги ва ҳокимлар ўртасидаги муносабат чегарасини ҳам аниқ кўрсатиб берди, деб ўйлайман.

**- Сунъий йўлдош орқали кузатиш станциялари ҳақида маълумот берсангиз. Қарор билан харид қилиниши белгиланган 80 та шундай ускунанинг нечаси Самарқандда жойлаштирилади ва улардан бизга нима наф?**

- "GNSS" станциялари сунъий йўлдош ахборотини қайта ишлаш орқали ердаги объектларнинг ҳудудий ҳолатини аниқлаш имконини беради. Бугунга қадар ушбу қурилмалар вилоятнинг Нарпай, Иштихон туманлари ҳамда Самарқанд шаҳрига ўрнатилган эди.

Келгусида харид қилиниши белгиланган 80 та "GNSS" қурилмасининг 5 таси вилоятимизга жойлаштирилиши режалаштирилган. Хусусан, улар Булунгур, Ургут ва Қўшрабат туманларига биттадан, Нуробод туманига иккита ўрнатилди.

Узлуксиз ишловчи мазкур станциялар геодезия, топография ишларида ағона координаталар тизимидан фойдаланиш имконини беради, шунингдек, ундан картография ишларида, архитектура ва қурилиш ишларида, автомобиль ва темир йўлларни лойиҳалаш ва қуришда, маркшейдерлик, ўрмон хўжалиги ишларида, электр ва газ тармоқларини яратиш ва юритишда фойдаланилади.

"GNSS" станциялар Кадастр агентлиги тизимидаги Республика аэрогеодезия маркази томонидан бошқариладиган марказий бошқарув тизимига уланади. Қурилмаларга техник хизмат

кўрсатиш ва уларнинг доимий фаолият кўрсатишини таъминлашга ҳам шу марказ масъул ҳисобланади.

**- Агентлиқнинг вилоят бошқармаларида ташкил этилиши белгиланган янги штат бирлиги - чегара масалалари бўйича бош мутахассиснинг вазифаси нима?**

- Хабарингиз бор, кейинги 5-6 йил ичида республикамизнинг қўшни давлатлар билан чегараси қайта кўриб чиқилди. Вилоятимиз Тожикистон Республикаси билан чегарадош ҳисобланади. Тўғри, бугун Тожикистон билан чегарамизда масала қолмаган. 2020 йилнинг 7 январидан тузилган чегаралар демаркация ва делимитация қилиниши бўйича ҳужжатлар оқшма баённома бунинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Лекин бошқа вилоятларда вазият бундай деб бўлмади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан вилоятимизда мавжуд 14 та туман, 2 та шаҳар ҳамда 1126 та маҳалланинг чегараларини белгилаш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган. Хусусан, Самарқанд шаҳри таркибидан беш туман ташкил қилинади. Бошқа туманларнинг маълум бир ҳудуди Самарқанд шаҳри таркибига киритилади. Самарқанд тумани алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида тугатилди.

Чегара масалалари бўйича бош мутахассис юқоридаги ишларни амалга оширишда масъул ҳисобланади. Айтиш жоизки, мазкур штат бирлиги илгари собиқ "Ермулккадастр" давлат корхонаси ҳисобидан бўлиб, бир вилоят учун 0,5 ставка бирлигида ажратилган эди. Табиийки, бу ёндашув ўзини оқламади, ярим штатда турган ходим фаолияти самарасиз бўлди. Энди бу иш билан ҳақиқий мутахассислар шуғулланади.

**- Ҳужжатда белгиланган вазифалар кўлами кенг. Бу соҳада чуқур ислохотлар даври бошланганидан далолатдир. Сиз ўйини босқичда тизимга яна қандай янгилик киритиш бўлган эдингиз? Кадастр хизматига яна қандай муаммолар бор?**

- Саволингизга очик жавоб бераман. Кузатувларим соҳада ишлаш учун келганларнинг аксариятида "Ер меники бўлади, истаганимча пуллаб, бойиб кетаман", деган хомхаёл борлигини кўрсатмоқда. Бу сабабсиз эмас, албатта. Тан олишимиз керак, ақин йилларгача кўпчилик кадастр билан боғлиқ ишни фақат пул билан битириш мумкин, деб ўйларди. Айрим ходимларимизнинг ҳамон коррупцияга йўл қўяётгани, оқибатда жавобгарликка тортилиб, кенг омма олдига бутун тизимни шарманда қилаётгани вазиятни янада оғирлаштиряпти. Айни хабарларни кўрган, эшитганларда қандай тушуنча ҳосил бўлади, деб ўйлайсиз? Табиийки, яхши кадрлар ҳам тизимни чечлаб ўтишга ҳаракат қилади. Ва аксинча, "уддабурон"лар шу ерга талпинади. Тушунганингиздек, малакали мутахассис кадрлар етишмайди бизда.

Агар соҳадаги коррупцион ҳолатларни батамом тугатсак, энг катта ютуғимиз шу бўлади. Бу нафақат кадрлар билан боғлиқ муаммони ечишга, балки соҳанинг изчил ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Тўғри, Президентимизнинг тегишли қарори билан кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини, шу жумладан, бирламчи кадастр йиғмажилдини тайёрлаш бўйича кўрсатилган хизмат турини хусусий секторга ўтказиш назарда тутилган. Бу кадастр тизимидаги ходимларнинг фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишини чеклайди, демакки, коррупцияга йўл очувчи омиллар ҳам йўқолади. Аммо бунда ҳам эътиборли бўлиш керак. Айнан хусусий секторга ишга олинаётган ходимларнинг малакаси, коррупцияга мойиллигини ўрганиш зарур. Хавотирим сабаби шуки, бу амалиёт 2014 йилнинг охирига қадар бор эди, ўша вақтда хусусий сектордагилар вилоятнинг истаган ерида жойлашган кўчмас мулк объектларининг кадастр инвентар ҳужжатларини тайёрлаши мумкин бўлган. Бироқ ўша вақтдаги тизим ўзини оқламади. Бойси, хусусий кадастрчи томонидан тайёрланган кўплаб ҳужжатлардаги маълумотлар нотўғри ёки бузиб кўрсатилган бўлиб чиқди. Оқибатда кўплаб фуқаролар ўз мулкига эгалик қилолмай, суд идораларида сарсон бўлишди.

Эътибор берганингиздек, ҳар икки ҳолатда ҳам кадрлар масаласи биринчи ўринга чиқмоқда. Шу сабабли соҳани ёш ва ҳалол кадрлар билан тўлдирish бугуннинг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак, деб ўйлайман.

Асқар БАРОТОВ сўхбатлашди.

## ➡ Яхши хабар

# Оқил раис маҳаллани танитади

Ғалати, қаерда муаммо, ўзаро келишмовчилик, етишмовчилик кўп бўлса, ўша маҳаллани ҳамма танийди. Қайси идорага бош сўманг, "Ҳа, ана у маҳалладансизми?", дея сирли қараб қўйишди. Тинч ва осойишта, одамлари аҳил-иноқ яшаётган, муаммоларини ўзлари хал этаётган маҳаллаларни эса ҳатто туман миқёсида биров билиб, биров билмайди.

Қўшрабат туманидаги Уртасой маҳалласи ана шундай маҳаллалардан бири. Туманнинг энг олис нуқтасида, тоғлар орасида жойлашган бу сўлим масканда 306 оила умргузаронлик қилади. Уларнинг яхлит оиладек тинч ва тотув яшашини, ҳаётдан ризолигини кўрган ҳар қандай киши ҳавас қилади. Мана, неча йилдирки, Уртасойда оиланинг бузилиши, жиноятчилик рўй берган эмас. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам, ёшлар ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш масалалари рисоладагидек йўлга қўйилган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламыз.

Маҳаллада эришилган бу ютуқларга унинг фидойи оқсоқоли Турсунмурод Нурматов бош-қош бўлмоқда. Уртасойликлар бундан беш йил бурун бу инсонни маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайлаган эди. Танловда адашмасан экан, тиниб-тинчимас раис маҳалладаги барча муаммоларни, керак бўлса, хонадонбай ўрганиб, уларни тизимли равишда бартараф этиш йўларини



Норбобо ШАКАРОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

қидирди. Бунга нафақат ўзининг куч-ғайрати, шижоати, билим ва тажрибасини, балки бошқаларнинг ҳам, хусусан, маҳалла фаоллари, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаолининг имкониятларини сафарбар этди. Натijaда маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит соғломлашди, тадбиркорлик, томорқа хўжалиги ривож топти, ободонлаштириш ишлари жадаллаб, маҳалла қишлоқлари кўркاملашди. Маҳаллага элтувчи йўлни асфальтлаш ўртасойликларнинг асрий орзуси эди. Яқинда бу орзу ҳам ушалди: йўлсозлар

тўрт қақирим масофадаги тош йўлга асфальт ётқизди.

Қарангки, янги барпо этилган текис ва равон йўлдан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ўтказган кўриктанловнинг "Энг яхши маҳалла раиси" номинацияси бўйича учинчи ўринни эгаллаган Турсунмурод Нурматов Президент совғаси - "Спарк" автомашинасини бошқарган ҳолда биринчи бўлиб ўтди.

Норбобо ШАКАРОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

# Қўшрабат мактабларига

## кўмир тарқатилган, аммо синфлар совуқ

Олис ҳудудлардаги мактабларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганиш мақсадида Қўшрабат туманида бўлди. Туманда бугун 88 та умумий ўрта таълим мактаби бўлиб, 25806 нафар ўқувчи таълим олади. Мактабларнинг 5 таси газлашган, қолган 83 таси кўмир билан иситилади.

- Бу йил 3300 тонна кўмир олдиқ ва мактабларга тарқатдиқ, - деди туман халқ таълими бўлими мутахассиси Маҳмуд Сайфиев. - Мактаблар учун 42 та иситиш қозонлари харид қилинди. Уларни 17 та мактабда муддатини ўтаган, ишдан чиққан қозонлар ўрнига ўрнатдиқ. Қишга тайёргарлик бўйича бизда битта муаммо бор, иситиш қозонларига ўрнатиладиган мўриқлар бир мавсумга етмайди. Сабаби, мўриқлар олдий тунуқадан ясалади, тинимсиз олов ёқилганидан тез емирилиб кетади. Қиш мавсуми тугамасдан яна бошқа мўри ўрнатишга мажбур бўламыз. Мўрилар учун азбест қувурлари ўрнатилса, анча вақтга чидайди.

Дастлаб Қўвқалла маҳалласидаги 87-умумий ўрта таълим мактабида бўлдиқ. Қир бағридаги мактабда 217 нафар ўқувчи тахсил олади.

- Бу йил қиш мавсумига 50 тонна кўмир олдиқ, - деди мактаб директори Бойтемир Ганиев. - Мактабимизда етти та иситиш қозони бўлиб, шу йил олти тасини янгиладик. Биттаси филиалимизга ўрнатилган. Филиалимиз қирнинг орқа томонида жойлашган, унда 12 нафар ўқувчи бошлангич синфда ўқийди. Мактаб директорининг хонаси совуқ экан, 15 дақиқадан ортиқ ўтиролмадик. Синфлар ҳам совуқлигидан ўқувчилар қишки кийим-бошда ўтириб, дарс тинглаяпти. Ҳатто ўқитувчи ҳам пальтода. "Нега шунча кўмир олиб, синфларни иситмаяпсиз?", деган саволимизга "Хали халқ таълимидан буйруқ берилгани йўқ, Бизга 15 ноябрдан мактабни иситасизлар, деганди", деб жавоб берди директор.

Тумандаги 70-умумий ўрта таълим мактабида ҳам шундай ҳолатга дуч кел-

дик. Мактабга 35 тонна кўмир берилган, аммо синфлар совуқ, иситиш қозонлари ёқилмаган. 2017 йилда қурилган 270 ўринли мактабда 338 нафар ўқувчи таълим олади.

Иккала мактабда ҳам иситиш батареялари фақат синфларга ўрнатилган, коридорларда бирорта ҳам батарея йўқ. Синфлар кишда иситилгани билан коридорлар исимаса, фойдаси йўқ. Олис ҳудудлардаги мактабларнинг аксариятида мана шу муаммо, ҳеч ким коридорда иситиш батареялари ўрнатишни ўйламайди.

Заркент қўрғонидан жойлашган 26-умумий ўрта таълим мактаби 652 ўринли бўлиб, бугун унда 1238 нафар бола ўқийди. Мактабга Бойтўп, Зармитан, Заркент маҳаллаларидан ўқувчилар келади.

- Мактабимизга 70 тонна кўмир берилди, - деди мактаб директори Уктам Бўриев. - Бу йил етти та иситиш қозонимизнинг учтасини янгиладик. Халқ таълими бўлими 15 ноябрдан иситишга рухсат беради. Ҳозирча синфларни иситганимиз йўқ.

Учта мактабда ҳам бир хил ҳолатга дуч келдик. Мактабларга етарлича кўмир берилган, аммо хоналар совуқ бўлса ҳам "тепадан" буйруқ берилмагани боис қозонлар ёқилмаган. Усти лой билан суваб қўйилган кўмирхоналардан ҳали кўмир олинмаган.

Қўшрабат тумани масъуллари вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг вилоят ҳудудида ижтимоий соҳа объектлари ҳамда тураржой биноларини иситиш мавсуми 2022 йилнинг 24 октябрь кунидан бошланиши тўғрисида фармойишидан беҳабар кўринади. Акс ҳолда, туман мактабларида болалар совуқда таълим олмаसди.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА, "Зарафшон" муҳбири.

## ➡ Мавсум

# Кўп қаватли уйлар иситилаяптими?

Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг маълумотларига кўра, бугунги кунда вилоятимиздаги кўп қаватли уйларнинг 67 фоизидан ортиқроғи иситилмоқда. 129 та кўп қаватли уйларга 14 та марказий ва маҳаллий қозонхоналар томонидан хизмат кўрсатилмоқда. 1294 та кўп қаватли уй икки контурли индивидуал қозонлар билан, 700 га яқин уй эса бошқа турдаги иситиш воситалари орқали иситилмоқда.

- Давлатимиз раҳбарининг "2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида" ги қарорига кўра, Самарқанд шаҳридаги 2 та қозонхона биттадан янги қозон ўрнатиш, шунингдек, 1 та янги қозонхона қуриш ишлари якунига етмоқда, - дейди вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бош мутахассиси Раҳим Аҳмедов. - Мазкур лойиҳалар учун 3,15 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, қурилиш ишлари якунлангач, 15 та кўп қаватли уй ҳамда 5 та ижтимоий соҳа объектини мавсумий иссиқлик энергияси билан таъминлашга эришилди.

Вилоят "Иссиқлик манбаи" ДУК томонидан жорий йилги куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қўриш ва уни бетафоғат ўтказиш мақсадида вилоятдаги барча қозонхоналарда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилганлиги таъкидланаётган бўлса-да, улар хизматидан қониқмаётган аҳоли томонидан мурожаатлар кўп бўлмоқда. 2021 йил март ойида қурилиши бошланган РК-1 қозонхонаси иккинчи йилдирки, ҳануз ишга туширилгани йўқ.

Туркиянинг "Гуксан" компанияси лойиҳаси асосида бунёд этилаётган мазкур қозонхона тўлиқ ишга туширилса, Самарқанд шаҳрининг 9 маҳалласида жойлашган 92 та кўп қаватли уй, 8 та ижтимоий соҳа объектини иситиш мумкин.

Мазкур объектга борганимизда 50 нафар ишчидан фақат иккита монтажчи ишлаётганига гувоҳ бўлдиқ. Хориждан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилмасдан, бир чегда тахланиб турибди. Насос ва сувни кимёвий тозалаш цехида ҳам шу аҳвол. - Артезиан сув насосининг монтаж ишларини амалга оширяптимиз, - дейди монтажчи Равайн Суяркулов. - Хали қиладиган ишлар жуда кўп. Тахминан 15 кунлар ичида фойдаланишга топширсақ керак.

Устанинг гапларига ишонгимиз келади, бироқ бу ердаги ҳолатни кўриб, йил якунигача ҳам қозонхонани ишга туширолмасалар керак, деган ўйга борамиз. Чунки қозонхона ҳудуди ободонлаштирилмаган, тармоқ қувурлари уланмаган. Халигача тегишли идоралардан табиий газ ва тоза ичимлик сувидан фойдаланишга рухсат олинмаган.

- РК-1 қозонхонасининг биноси, 3 та сув иситиш қозони ва унга ёрдамчи ускуналари ўрнатилиб, 15,4 километр масофага иссиқлик тармоғи ўтказилди, - дейди "Элит Грант" МЧЖ раҳбари Абдулла Бобоназаров. - Ер ости қувурлари ҳам ташлаб бўлинди. 92 та хонадондан 32 тасининг ертўласига иссиқлик тарқатиш пунктлари (ИТП) ўрнатилди. Бироқ муддатидан кечга қолаётганимизнинг сабаблари ҳам бор. Лойиҳада 42-умумтаълим мактаб ҳудудида иссиқлик тармоғи ўтказилиши керак эди. Аммо мактаб маъмурияти ўз ҳудудида қовлаш ишларини олиб боришимизга рухсат бермаётти. Гагарин, Рудакий, Бағдод кўчаларида жойлашган айрим кўп қаватли уйларда яшовчилар ертўларига ИТП ўрнатишга қаршилиқ қилишмоқда.



Худуд аҳолиси билан сўхбатлашганимизда, уларнинг кўпчилиги икки контурли индивидуал печь ёки электр иситишчилар орқали уйларини иситишга таянганлигини таъкидлади.

- Уйимизда 44 та хонадон жойлашган бўлиб, уй бошқаруви билан келишган ҳолда марказлашган иссиқлик қозонига уланмасликка қарор қилганимиз, - дейди Бағдод кўчаси 12-кўп қаватли уйда яшовчи С.Чернышова. - Чунки тармоқдан узилганимизга 15 йил ўтган бўлса, турли йўللار билан иситиб келамиз. Кимдир икки контурли печь ўрнатиб олган, яна кимдир электр печдан фойдаланади.

- Кўп йиллар марказлашган истиш тармоқлари ишламагани туфайли газ плита, қўлбола печлардан ҳам фойдаланиб, уйимизни иситиб келдик, - дейди Гагарин кўчаси 16-уйда яшовчи Р.Қувондиқова. - Вақти келганида кўмир ва ўтинни гамлаб қўйдик. Янги замонавий кондиционер харид қилгач, уйимиздаги эски чўян иситиш батареяларини олиб ташлаганимиз.

- Иккинчи қаватда яшайман, уйимни таъмирлаганимга кўп бўлгани йўқ, - дейди Олтин аср маҳалласида яшовчи А.Араббоев. - Шу сабабли хонадонимдан "теплотрасса" ўтказишларини хохламайман, таъмири бузилади. Шу пайтгача ҳам арзон, ҳам қулай бўлган замонавий электр иситишчилардан фойдаланиб келганман. Энди бўлса, уйларимизни тешиш, иситиш батареяларини ўтказишмоқчи.

"Иссиқлик манбаи" ДУКга қарашли марказий қозонхонага 2 та янги иситиш қозони ўрнатиш кўзда тутилган. Яна битта янги модуль қозонхона қуриш лойиҳаси эса техник экспертизадан ўтказилди. Айни пайтда қурилиши олиб борувчи пудратчи корхона ўртасида тендер савдолари ўтказилмоқда.

Хуллас, Самарқанд шаҳрининг минглаб аҳолиси истиқомат қиладиган маҳаллалардаги кўп қаватли уйларнинг иситиш муаммоси бартараф этилади, дея умид қилганимиз қурилишга 65,5 миллиард сўм маблағ сарфланган РК-2 қозонхонасининг жорий йил ҳам ишга тушиши дарғумон. Олдимизда эса қишнинг совуқ кунлари турибди. Агар вилоят уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳамда "Иссиқлик манбаи" ДУКдагилар, қолаверса, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари бу муаммога ечим топмаса, аҳоли мурожаатлари яна ҳам кўпаяди.

Дилмурод ТЎХТАЕВ, "Зарафшон" муҳбири.



## Таклифлар амалиётга кўчмоқда

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан йўлга қўйилган янги амалиёт, яъни йиллар давомида тўпланиб қолган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими бўйича жамоатчилик, соҳа мутасаддилари, тажрибали шифокорлар, кенг жамоатчилиқнинг нуқтани назари, ҳолис фикрлари эътиборга олинди, ҳаётга татбиқ этилаётган. Мамлакатимиз раҳбарининг қуни кеча тиббиёт ходимларига йўллаган табригида ҳам бу алоҳида таъкидланди: "Инсон қадрини унун" деган эзгу тамойилни жамиятимиз ҳаётида тўла рўёбга чиқариш мақсадида кейинги вақтда юртимизда соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан мунтазам учрашиб, олдимизда турган вазифалар ва долзарб муаммоларнинг ечимлари ҳақида фикрлашиб олиш ибратли аниёнага айланди".

Мазкур таклифлар асосида тузилган режага кўра, туманимизда марказий поликлиникамизда автоматлаштирилган "электрон поликлиника" тизими ташкил этилиб, бир кунда 200-250 нафар фуқаронинг электрон навбат асосида шифокор қабулига кириши таъминланмоқда. Тумандаги "Янгиобод", "Ўзбеккент" ва "Корасув" маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 14 минг нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида "Мотрид" оилавий шифокорлик пункти ташкил этилди. Шунингдек, энг оғир, яъни бориш қийин бўлган олтига ҳудудда 6350 нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур даво муолажалари олиб борилди.

Шунингдек, тегишли қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида 40 ёшдан катта бўлган 58 мингга яқин аҳоли юрак қон-томир, қандли диабет касалликларининг олдини олиш мақсадида скринингдан ўтказилди.

Давлат тиббий сўғурта жамғармаси тузилиб, имтиёзли тоифага кирувчи аҳолига ягона тизим орқали тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Шу тизим асосида 15 нафар фуқарога республика ва 37 нафарга вилоят ихтисослаштирилган тиббий марказларида имтиёзли даволаниш учун йўлланма берилди.

**Тўлқинжон СУВОНОВ,**  
**Самарқанд тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори.**

## Самарқандда "Озиқ-овқат маҳсулотлари сифат ҳафталиги" ўтказилди

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 10 ноябрдаги "Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида 2021 йилдан буён ҳар йили ноябрь ойида "Озиқ-овқат маҳсулотлари сифат ҳафталиги" тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Самарқанд шаҳридаги "Korzinka" супермаркети ҳамкорлигида ана шундай тадбирларнинг галдагиси ўтказилди. Унда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги вакиллари, агентлиқнинг вилоятдаги ташкилотлари мутахассислари ва журналистлар иштирок этди.

"Korzinka" савдо мажмуасида ўтказилган тадбирда истеъмолчиларга маҳсулотнинг стандарт талабларига мослиги, сақланиши ҳамда қадоқланишидаги меъёрлари юзасидан маълумот берилди.

Амалдаги стандарт талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар нафақат истеъмолчилар учун, балки бизнес учун ҳам жиддий хавф тудиради, - дейди Ўзбекистон илмий-синов ва

сифат назорати маркази вилоят филиали мутахассиси Сирожиiddин Одилов. - Яъни, истеъмолчилар, айниқса, болалар турли касалликлар ёки шикастланишига сабаб бўлиши мумкин бўлса, бизнесда эса, тадбиркорлар жаримага тортилади ёки унинг бизнесига путур етади. Мазкур товарларнинг лаборатория синовларидан ўтказилиши ушбу хавфларни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ҳафталик доирасида мутахассислар томонидан сифатли ва хавфсиз овқатланиш тамойиллари, таркибиди туз, қанд ва ёғ миқдори белгиланган меъёрлардан юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон саломатлигига зарари, болалар ва ўсмирлар томонидан кучли газланган, рангли, ширин ҳамда энергетик ичимликларнинг истеъмолини тартибга солиш бўйича тавсиялар берилди.

### ➤ Озиқ-овқат хавфсизлиги



## Харидорга сифатсиз маҳсулот таклиф этилмайди

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча ташкилотларда, ҳатто бозорларда ҳам унинг етарли даражадаги захирасини яратиш давом этмоқда. Бу ишлар давлатимизнинг доимий эътиборида, шунингдек, истеъмолчароқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари устидан ҳам мунтазам ва жиддий назорат ўрнатилган. Бу вазифанинг муайян қисмини айнан марказимиз ходимлари амалга оширишади.

Кейинги ўтказилган ўрганишларга кўра, 40 та идишдаги ўсимлик маҳсулотлари, яъни кўкат ва зираворлар текширилганда, уларнинг 442 килограмми таркибиди нитрат тузи меъёридан ортиқ эканлиги аниқланди ва ўша захоти утилизация қилинди.

Калла-поча, ичак-чавоқ каби маҳсулотларни ўзларича қайта ишлаб, харидорга тақдим қилаётган шахслар ҳам бу маҳсулотларнинг ветеринария-санитария қондаларини қўпол равишда бузишган. Чунки мuddати ўтган ёхуд маҳсулот бузилишининг олди олинмаган ҳолда улар истеъмол учун муtлақо яроқсиз ҳисобланади. Шу

сабабли бозор растасига қўйилмоқчи бўлган 77 килограмм бундай маҳсулотларнинг харидорга етиб бормаслик чоралари кўрилди.

Яна бир муаммо айрим масуулятсиз ишбилармонлар томонидан товuқ гўштини очиқ ҳолда мариновка қилиш билан боғлиқ. Қоидага кўра, товuқ гўштини бундай ҳолда қайта ишлаш ва бозорга олиб чиқиш муtлақо мумкин эмас. Уни фақат уй шароитида хар бир оила ўзи тайёрлаб, ейиши мумкин.

Самарқанд шаҳар бозорларига қўйилган тузламаларда ҳам унинг таркибидидаги қўшилмалар ветеринария ва санитария нормаларидан ортиқча бўлиб чиқди.

Кейинги ўрганишда белгиланган меъёр ва қондалар бузилганлиги учун 151 килограмм товuқ гўшти, 152 килограмм тузламалар, аунч миқдорда туҳум, 100 килограмм яқин сут ва сут маҳсулотлари, 153 килограмм полиз маҳсулотлари лаборатория кўригиди яроқсиз деб топилди ва утилизация қилинди.

Ҳурматли харидорларимиздан бозорлардан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишда улардан лаборатория томонидан берилган ёрлик ва яроқлик мuddатига эътибор беришларини сўраймиз.

**Аминжон РАЙИМОВ,**  
**Самарқанд шаҳар ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази директори.**

## Ногиронлиги бор шахслар учун "Имкониятлар маркази" ташкил этилади

2022 йил 12 октябрда Президентимизнинг "Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятига тегишли ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига қўмақлашишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларига қарашли юридик шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашининг самарали тизимини шакллантириш мақсадида муҳим вазифалар белгиланди.

Хусусан, бюджет буюртмачилари учун назарда тутилган чекловлар электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган, ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни харид қилишга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланди. Улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг кўргазма ярмаркаси доимий ўтказилади ва бунинг учун зарур павильонлар бепул ажратилади. Шунингдек,

ишлаб чиқарган маҳсулотлари учун йилгача мuddатда кафолатли харид қилишни назарда тутувчи шартномалар тузиш ҳуқуқи берилади. Тадбиркорлик субъектлари учун ўтказиладиган кўргазма ярмаркаларида ўз маҳсулотлари билан иштирок этиши таъминланади.

Шунингдек, 2023 йил 1 январга қадар бундай жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларига қарашли юридик шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашининг самарали тизимини шакллантириш мақсадида муҳим вазифалар белгиланди.

Президентимизнинг 2021 йил 21 декабрдаги "Ногиронлиги



бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига қўмақлашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди "Ишга марҳамат" мономаркази ва касб-хунарга ўқитиш марказларида 227 нафар ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат бозориди талаб юқори бўлган касбларга ўқитилди.

2023 йилдан ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига қўмақлашиш, уларни касб-хунарга ўқитиш, маданият, санъат, спортга қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Имкониятлар маркази" фаолиятини ташкил этиш назарда тутилган. Ушбу марказ ногиронлиги бўлган шахслар ва иш берувчилар ўртасида мулоқот ўтказиш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш майдонини сифатида фаолият юритади.

рабатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, жорий йилнинг ўтган даврида "Ишга марҳамат" мономаркази ва касб-хунарга ўқитиш марказларида 227 нафар ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат бозориди талаб юқори бўлган касбларга ўқитилди. 2023 йилдан ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига қўмақлашиш, уларни касб-хунарга ўқитиш, маданият, санъат, спортга қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Имкониятлар маркази" фаолиятини ташкил этиш назарда тутилган. Ушбу марказ ногиронлиги бўлган шахслар ва иш берувчилар ўртасида мулоқот ўтказиш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш майдонини сифатида фаолият юритади.

**Сулаймон МАРДИЕВ.**



## "Гулшан"нинг гулчилари

Пахтачи туманидаги Гулшан маҳалласи аҳолиси иссиқхонадан унумли фойдаланади. Очил Каримов хонадони ҳам бу ишнинг ҳадисини олган. Улар 18 йилдан буён гулчилик билан шуғулланади. Очил бобо 80 ёшдан ошса ҳам қўлидан кетмони тушмайди. Ҳовлисиди 10 хилдан ортиқ гул, лимон, банан, мандарин ва кўкатлар етиштираётган ота-хонга фарзанд ва набиралари ёрдамчи.

- 1991 йилда пахсадан иссиқхона кўрдим, - дейди тажрибали гулчи Очил Каримов. - Аввал помидор, бодринг ва ошкўк экдим. Оиламга қўшимча даромад кирди.

Айни дамда бу хонадонда совуққа чидамли гулларнинг савдоси авжида. Улар етиштираётган гуллар Пахтачи тумани ва Навоий шаҳри марказий кўчаларини безаб турибди.

**Иззатулла НОРҚУВВАТОВ.**



## Отаси эмас, деб топилди...

Никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлган боис у фақат ахлоқ нормалари билан эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Жамиятда никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ ва ахднома бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзандларни жамиятнинг муноси кишилари қилиб тарбиялашдан иборат. Никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан бири никоҳланув-

чиларнинг ихтиёрий ва эркин иттифоқидир.

Бироқ орамизда оилага нисбатан жиддий муносабатда бўлмасдан, никоҳни уйин билиб, фарзандларини отасиз қолдирадиганлар ҳам йўқ эмас.

Яқинда Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи оталардан бири ўз турмуш ўртоғини судга берди. Даввогар У. жавобгар Д.га нисбатан оталикка эътироз билдириш ҳақида давво аризаси киритди. У ўз давво аризасида 2007 йил қонуний никоҳдан ўтиб,

Д.га уйланганини, биргаликдаги турмушларидан унга нафар фарзанд борлигини, биринчи фарзанди икка ўқашини, аммо 2020 йилда туғилган ўғли унга ўқашмаслигини, шубҳаси борлигини билдирган.

Шаҳар суди томонидан одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинланди ҳамда даввогар ушбу оилада 2020 йил туғилган фарзанднинг биологик отаси эмаслиги қайд этилди.

Шунга асосан, суд томонидан даввогарнинг дав-

воси қаноатлантирилиб, у 2020 йилда туғилган Умиджоннинг биологик отаси эмас, деб топилган. Бундай ишни ўрганиш осон бўлмайди, сабаби, унинг оқибатлари қандай бўлиши маълум.

Садоқат ҳар доим эҳтиёткорликни, эҳтиёткорлик эса сабрни талаб этади. Садоқат сотиб олинмайди. Зеро, садоқати йўқнинг қалби яроқсиздир. Оилада бахтли бўлиш учун талаб қилинадигани ўзаро ишонч ва садоқатдир.

**Феруз КАРИМОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси.**

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'olonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

**БИЗ СИЗДАН ШИФО ТОПДИК**  
Набирамни Л.М.Исаев номли тиббий паразитология илмий текшириш институти клиникасида даволаниш учун олиб келдим. Клиникада бизни яхши кутиб олишди. Тажрибали шифокорларнинг тўғри олиб борган муолажалари тўғрисида набиранинг саломатлиги яшилди.  
Клиника бош врач Л.Махмудова, бош ҳамшира М.Рўзимуродова, болалар бўлими бошлиғи Ф.Сайфиев, катта ҳамшира П.Тўйчиева, ҳамшира М.Шодиева ва овқат тарқатувчи Зухра опа-ларга миннатдорчилик билдираман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, эл саломатлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда омад тилайман. Муштақам соғлиқ ва барака сизни асло тарк этмасин.  
**Муҳаббат ҲИҚМАТОВА,**  
**Каттакўргон шаҳри.**

Беруний кўчаси, 49-уй.  
Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 203074874.  
\*\*\*  
Ургут туманидаги "VATAK GIGANT SAVDO" масууляти чекланган жамияти (СТИР: 301733320) ўз устав фондини 156 527 527 (бир юз эллик олти миллион беш юз йигирма етти минг беш юз йигирма етти) сўмдан 14 185 000 (ўн тўрт миллион бир юз саксон беш минг) сўм камайтириб, 142 342 527 (бир юз қирқ икки миллион уч юз қирқ икки минг беш юз йигирма етти) сўм этиб белгилади.  
Шу муносабат билан унга билдириладиган барча давволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.  
**Манзил: Ургут тумани Бойбул маҳалласи.**  
\*\*\*  
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Уразова Зухро Алиевнага (2018 йил 21 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**  
\*\*\*

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Базаров Аброга (2022 йил 21 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**  
\*\*\*  
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Назаров Толиб Саидқуловичга (2020 йил 24 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**  
\*\*\*  
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Джабарова Музафарга (2008 йил 23 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**  
\*\*\*  
Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Абдурахимов Мусурмон Зиятовичга (2022 йил 4 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 76-уй.**  
\*\*\*  
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукураллаевна нотариал идорасида марҳум Асадов Мирумарга (2010 йил 23 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукураллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.**  
\*\*\*  
Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳатов Ўлмас Тўра-

евич нотариал идорасида марҳум Каландаров Салаҳидинга (2019 йил 5 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳатов Ўлмас Тўраевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси, 26-уй.**  
\*\*\*  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
"INSON" акциядорлик жамияти сўғурта ташкилоти Самарқанд вилоят филиалига тегишли 18614, 18616, 18617 рақамли сўғурта полислари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
Иштихон туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг (СТИР: 206897876) гербли думалоқ мухри ва бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети жамоаси спорт фаолияти ва санъат факультети, факультетларaro жисмоний маданият кафедраси мудири, доцент Орифжон Рауловга опаси  
**Мунира ТЕМИРОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия ихроқ этади.



## Деворий газета ишни кўрсатади, ижодкор ўқувчиларга рағбат бўлади

Мактабда ишлаётганимга 20 йил бўлган, ўқувчилар ўртасида адабий муҳитни яратиш, уларни адабиётга янама яқинлаштириш ҳақида ўйлаб бошладим. Синфларга кириб, ўзбек адабиёти, кейинчалик жаҳон адабиёти асарлари ҳақида суҳбатлар ўтказдим. Ҳар бир суҳбат охирида Қуддус Муҳаммадий, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф шеърларидан парчаларни ёддан айтиб берардим. Шунда айрим ўқувчиларнинг кўзларида учкунлар пайдо бўлганини кўрдим, бундай суҳбатлар улар учун жуда зарурликни аниқладим.

Мактабда адабиёт тўғрисида ташкил қилдим. Бу тўғрисида ҳафталлаб, ойлаб синфларга кириб, суҳбат ўтказиб, ҳар синфдан мойиллиги бор 2-3 нафар ўқувчини саралаб, 15-20 ўқувчини йиғдим. Олдинги уларни республика ўқувчилар наشري "Гулхан" журналида чоп этилган тенгдошларнинг ижоди билан таништирдим. Ўз тенгдошларнинг шеърлари, эртаклари ўз фотосурати билан чиқарилганини кўриб, уларда ҳавас уйғонди. Тортиниб турган ўқувчилар энди шеър, эртак қоралай бошлади.

2013 йил мартда адабиёт тўғрисида "Бойчек" деворий газетаси илк сонини чиқардик.

Танаффусда ўқувчиларнинг югуришини кўрсангиз, деворий газета атрофи ғўжон бахс, кимдир баланд овозда ундаги шеърларни ўқийди, ким суратини томоша қилади. Табиийки, бу нарса мактаб ўқувчиларининг 80-90 фоизини қизиқтириб қўйди. Сура-ти ва ижоди газетани ёритилган ўқувчи бўлса, мактаблардан осмонда! Ҳамма унга ҳавас билан қараган...

Деворий газета ҳақидаги яхши хабарлар ўқувчилар орқали ота-оналарга етди ва айрим ота-оналар мактабга келиб, миннатдорлик билдиришди.

Аста-секин адабий тўғрисида келувчи ўқувчилар сони ошди.

Йил охирида тўғрисида энг яхши қатнашчилардан икки-уч нафарининг ижод намуналарини туман ҳокимлигининг "Нуробод" газетасига, вилоят ўқитувчилари-

нинг "Маърифат нури" газетасига, "Гулхан" журналига юбордим. Ушбу матбуот саҳифаларида ўқувчиларимиз ижоди ёритилиши мактабимиз учун қувончли воқеа бўлди. Доимий равишда ижодий мулоқотлар бизни "Гулхан" журнали билан яқинлаштирди. Ўзим раҳбарлик қилган 6-синф ўқувчиларини "Гулхан" журналига обуна қилдиришга эришдик. Бу тарғибот ишларини қўшни 57, 64, 71- мактабларга ҳам ёйдик. Шунинг учун бўлса керак, "Гулхан" журнали мени нашрининг "Вилоят бўйича тарғиботчиси" деб эътироф этди.

2013 йилдан ҳозиргача "Бойчек" деворий газетамиз фаолияти тўхтагани йўқ. 2021 йил пенсияга чиқдим, лекин мактаб директори ва Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан мени мактабнинг ижодий-маданий масалалар тарғиботчилигига ишга олишди. Ижодкор ўқувчилар билан ишлаяпман, улар ижодини матбуотда ёритяпман. Мактабга таниқли шоир ва ёзувчиларни таклиф қилиб, ижодий учрашувлар ташкил қиламан. Асосийси, деворий газетанинг ҳар сонидан бир ўқувчининг ижоди бериб бориляпти.

Мактабларда тарғиботчи лавозимида ишлаётганларга маслаҳатчи шукки, мактабнинг деворий газета ташкил қилинг. Бу биринчидан, сининг ишини кўрсатади, иккинчидан, ижодкор ўқувчиларга яхши рағбат бўлади.

**Бобораҳман МУҲАММАДИЕВ,**  
**Нуробод туманидаги 56-умумтаълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.**

### Хоразмдан мактуб

Ёшим бир ерга боргани учун бу савол устида кўпроқ ўйлаяпман. Аниқроғи, замонадаги ҳолат мени шунга мажбур қилапти.

Биз ҳам бола бўлганмиз. У жамиятда "одоб" сўзи улуг калима ҳисобланарди. Жуда кўп меъёрлар одоб билан ўлчанарди. Чунки одобсиз болада илм олишга иштиёқ бўлмастгилки ота-оналар ҳам, муаллимлар ҳам яхши билишарди. Бинобарин, одобсиз болалар ҳам йўқ эмас эди. Лекин улар илми, ақли, одобли болалар олдига ҳозиргиларга ўхшаб ҳадеб "сакрайвермасди".

Мактабга бориш, дўстлар билан биргаликда китоб танлаш, мутолаа қилган асарларимиз юзасидан бахшлашишга, гоҳ-гоҳида футбол ёки волейбол ўйнашга қизиқиш кучли эди. Ҳатто дала ишларига жалб этилганимизда ҳам бир-биримиз билан давлатларнинг пойтахтларини топиш, асар қаҳра-

## Бола ношуд бўлса, жамият айбдорми ёки ота-она?

монларнинг монолоғларини ўқиш бўйича бахшлашиб турардик.

Почтачининг келиши қишлоғимизда ўзига хос жараён эди. Ўқувчилар эшагининг хўржунини тўлдириб газета-журнал олиб келган Жумабой почтачини ўраб олишарди. Газеталар тепасига обуначининг исм-шарифи ёзилган. "Абдурахим эшон" деб ёзилган бир даста нашрни менга берарди. Тагин "Жураларингга бериб юборма, отангининг қўлига тегсин, акс ҳолда, балогола қолман", деб огоҳлантирарди.

Мана шу иштиёқ, ҳавас бизни адабиётга бошларди. Бу иштиёқни, ҳавасни эса оиладан, ота-онамиздан, керак бўлса, амма-тоғамиздан олганмиз. Чунки улар

қилган ишни қилганмиз. Мабоодо футбол чоғида биров ёмонроқ сўқиниб қолса, ҳаммамиз қўшилиб, уят қилардик, ҳатто бу ҳақда муаллимимизга ҳам айтардик. Демокчи-манки, ўқувчилар бир-бирини номаъқул ишни қилмасликка чақирардик.

Газета ва китоб ҳаётда ўрнини топишимга, шифокорлик касбимни пухта эгаллашимга ёрдам берди, тилимни узун қилди. Негаки, атрофдаги воқеаларни ҳазм қилишни, таҳлил қилишни, даврадагиларга хулосаларимни гапиришни ўргандим. Энг муҳими, газетадан ҳам, китобдан ҳам мутолаадан сўнг завқланишни ўзлаштирдим. Эҳтимол шунинг учундир, газета-китоб ўқимайдиганларни, умуман, жоҳил киши-

ларнинг хатти-ҳаракатини ҳазм қила олма-ямман. Шундай пайтда ота-оналарга шуларни дегим келади:

Ҳой, биродарлар, бола сизники, шундай экан, унинг увол-савоби ҳам ўзингизники. Ўғил-қизга ўз вақтида ибрат бўлмасангиз, одоб ўргатмасангиз, унга манаман деган олийгоҳ дипломини олиб берсангиз ҳам бундай боладан жамият учун фойда бўлмайди. Чунки бундай ёшлар мустақил фикрламайди, унинг ҳаёлида "танка", пул, бойликдан ташқари фикр бўлмайди. Ҳар бир нарсани илтимос ёки пул билан ҳал қилишга интилади. Бора-бора у сининг ҳам айтганингизни қилмай қўяди. Қайтар дунё дейди буни, биродарлар.

Шундай экан, аввало, ота-онанинг ўзи қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, уйда газета ва китоб ўқисин. Дарвоқе, сиз шу ишни қилсангиз, бола ҳам ҳеч қандай чорловсиз газета-китоб ўқийди, мактабга иштиёқ билан боришни ўрганади.

**Латифхўжа УСМОНХУҲАЕВ,**  
**Хоразм вилояти, Богот тумани.**

### 18 ноябрь - Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун



## Байроғимиз - фахримиз, ғуруримиз!

Каттакўрғон туманидаги 96-умумий ўрта таълим мактабидан 18 ноябрь - Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан тадбир ўтказилди.

Унда мактаб ўқувчилари Ватанимиз байроғига бағишланган шеър ва қўшиқлар айтди, ижодий кўргазмалар, турли спорт мусобақалари ташкил этилди. Тадбир сўнггида мактаб директори Манзура Маҳмудова турли танлов ва спорт мусобақалари ғолиблирига совғалар топширди.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ.**



## Яхшилик албатта қайтади

Бу воқеани менга яқин бир танишим айтиб берди.

Маълум бўлишича, танишимнинг ишончасига афтоҳон ҳолатда бир аёл кириб келган. Хол-аҳвол сўрашган аёл ўқиб, йиғлаб дардини очган.

- Укажон, аввало, безовта қилганим учун уэр сўрайман. Иложим йўқлигиндан келдим. Ёлғиз ўғлим бор. 29 ёшда. Буйрағидан дард топишди. Бир йилдан буюн даволатаман. Натيجا бўлмапти. Энди операция қилиш керак экан. Ёрдам беринг, деб келдим.

- Опажон, шошилманг, батафсил айтинг. Кимга, қанча, ўғлингиз ҳозир қаерда ётибди?

- Биламан, ҳозир пул сўрайдиганлар кўп. Фақат мени тўғри тушуниг. Мабоодо ёрдам бермасангиз ҳам хафа бўлмайман.

...Аёл столга ўғлининг исм-шарифи, ётган шифохонаси ва операция учун харажат суммаси ёзилган қоғозни қўйиб, чиқиб кетди.

Уша кунни танишим онаси билан маслаҳат қилади.

- Билмасам, болам. Ҳозир пул сўрашнинг одат қилганлар кўп. Суриштириб кўр. Зарур бўлса, имкониятига яраша қўллагин. Она бежизга нола қилмайди.

Хуллас, танишим айтилган маблағни олиб, аёл яшаётган маҳалла оқсоқоли билан кўришади. Ҳолатни билган, онаизорга пулни бериб қайтади.

- Ёрданингизни қайтараман, ука. Ишқилиб, ёлғиз болам ўлиб қолмас бўлгани.

- Хавотир олманг, опажон, қайтаришга ҳожат йўқ. Муҳими, ўғлингиз тузалиб кетсин.

...Танишимнинг айтишига қараганда, уч ой деганда ўша аёл унинг ишончасига кириб келган. Қўлида у-бу солинган пакет ҳам бор. Аёл танишимни бағрига босиб, йиғлаб юборган.

- Э, э, опажон, тинчликми?

- Ҳа, тинчлик, ука. Узр, мен қувонганимдан йиғлаяпман, сиздаги мурувват қор қилганидан қувоняпман. Ҳаммаси яхши бўлди. Ўғлим оёққа турди. Сизга раҳмат айтгани келдим.

- Опажон, яхшилик қилиш ота-боболаримиздан мерос. Бу фазилат миннат қилинмайди. Муҳими, дуо қилинг, яхшиларни дуо қилинг. Мен ҳам онажоним айтган эзу ишни қилдим, виждоним буюрган ишни қилдим.

- Барака топинг, ука. Бир умр дуо қиламан сизни...

**Назира ЮСУПОВА.**

### ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

#### 16 ноябрь

**Ҳасан НОРМУРДОВ** - (1939-2021). Каттакўрғон туманида туғилган. Ўзбекистон Қаҳрамони.

#### 19 ноябрь

**Мухсинжон АШУРОВ** - 1949 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Физик олим. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.

#### 22 ноябрь

**Мухтор ЎРАЛОВ** - (1938-2014). Хатирчи туманида туғилган. Биология фанлари доктори.

**Асрор ЖўРАЕВ** - (1911-1983). Самарқанд шаҳрида туғилган. Актер ва режиссёр. Ўзбекистон халқ артисти.

## Узум ғўробни саломатликка қанчалик фойдали?

Инсон истеъмол қиладиган таомининг мазали, хушбўй таъмили, иштаҳани очувчи бўлишига эътибор қаратади. Айниқса, таомларимизда ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаб, овқат ҳазм бўлишига ижобий таъсир кўрсатувчи зираворлар ва тотимликларнинг бўлиши ҳам жуда зарур.

Олимлар мева ва сабзавотлар таркибидан 30 хилдан ортиқ витамин борлигини аниқлаган. Биз, кенг оммалашмаган бўлса-да, халқимизда қадимдан тотимлик сифатида қўлланиб келинган ғўроб бўйича тадқиқот ўтказдик.

Ќўроб - узумнинг хусайни ҳамда вино тайёрлашга яроқли навларининг пишмаган (ғўра холидаги) мевасидан олинандиган тотимлик. Бунда узум

меvasи шира йиғмаган, яъни ғўра ҳолатида олинади. Териб олинган узум бошлари пояси ва думчаларидан ажратиб ювилади, юзасидаги сувларни қурийтилиб, сиқиб йўли билан шарбати ажратилади. Сўнгра эритма бироз тиндирилиб, беш литр шарбатга бир ош қошиқ (0,25 фоиз) эритма ҳосил бўлади) тоза ош тузи солинади. Кейин эса бу эритма сирланган идишга ўтказилиб, паст оловда 5 дақиқа қайнатилади ва хона ҳароратига совутилиб, шиша идишларга бўш жой қолдирмасдан қадоқланади ва зич бекитилади. Зич бекитилган шиша идишлар очиқ ҳавода доимий қуёш нури тушиб турадиган шароитда 1,5 - 2 ой туради. Шу вақтда махсулот бироз тиниб, чўкма ҳосил қилади. Ана шу муддат давомида анаэроб (кис-

лородсиз) бижгиш жараёнида махсулот тайёр тотимлик ҳолатига келади.

Тадқиқотларимиз ғўроб таркибидан С, В1, В2, В6, В9, В12, РР витаминлари борлигини кўрсатди. Шунингдек, ғўробнинг минерал элемент таркибини ўрганиш асосида уларнинг таркибидан инсон организмни учун зарур бўладиган макро ва микроэлементлар борлиги аниқланди.

Бундай тотимликни ис гази билан заҳарланган кишиларга 50 миллиграмм микродорида истеъмол қилиш тавсия этилади. Бунда заҳарланиш бартараф этилади. Тўйиб овқат истеъмол қилинганда, 50 миллиграмм ичилса, овқатнинг тезда ҳазм бўлиб кетиши ҳам амалиётда исботланган. Ғўроб тотимлигини майда тўғралган пиёзга сеипб истеъмол қилиш хуш



таъм бериб, шамоллашнинг олдини олади. Ғўроб яхши пишиб етилмаган узумдан тайёрланганлиги учун у баъзи витаминларнинг ҳам қўшимча манбаи бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, узум ғўраси табиий тотимлик ҳисобланиб, ундан доимий фойдаланиш инсоннинг ошқозон-ичак фаолияти ишлашни яхшилайти ва организмни микронутриентлар билан таъминлашда қўшимча манбадир.

**Р.НОРМАХМАТОВ,**  
**профессор,**  
**А.ҒАФУРОВ,**  
**Самарқанд иқтисодий ва сервис институти катта ўқитувчиси.**

**МАТБУОТ УЙИ**

**Zarafshon**

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

**MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi**

**Bosh muharrir: Farmon TOSHEV**

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 356 nusxada chop etildi. Buyurtma 744. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

**Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56**

**BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61**

**MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.**

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. **Korxonalar manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

**Navbatchi muharriri:**

**G. HASANOV.**

**Navbatchi:**

**D. TO'XTAYEV.**

**Sahifalovchi:**

**A. AMINOV.**



Saytimga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



9 772010 667009  
Sotuvda narxi kelishilgan holda